

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙЕВ ИСМАЙИЛ ЖУМАҚУЛОВИЧ

**РЕСПУБЛИКАНИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАСИ
СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Худайев Исмайил Жумақулович

Республиканинг жанубий минтақаси суғориладиган ерларида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий асослари..... 5

Худайев Исмайил Жумақулович

Научно-практические основы эффективного использования водных ресурсов на орошаемых землях юга республики..... 29

Khudayev Ismayil Jumaqulovich

Scientific and practical basis of effective use of water resources on irrigated lands in the south of the republic..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙЕВ ИСМАЙИЛ ЖУМАҚУЛОВИЧ

**РЕСПУБЛИКАНИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАСИ
СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №2021.4.DScT450 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети таркибидаги Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот - таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Якубов Мурат Адилевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Рахимджон Каримович
техника фанлари доктори, профессор

Шеров Анвар Ғуломович
техника фанлари доктори, профессор

Исашов Анваржон
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Аграр Университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail: admin@www.tiame.uz).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий, 39, тел.: (+99871)- 237-19-45).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

Ф.А. Гаппаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент.

М.Х. Хамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши муаммоси инсоният кун тартибида долзарб бўлиб, бу сайёрамизда фақат ҳароратнинг ўртача йиллик кўтарилиши эмас, балки барча геотизимнинг ўзгариши, жаҳон океанининг кўтарилишини юзага келиши, муз ва доимий музликларнинг эриши, ёғингарчиликнинг бир текисда ёғмаслигининг ортиши, дарёлар оқими режимининг ўзгариши, сув танқислигининг ошиб бориши ва иқлимнинг беқарорлиги билан боғлиқ бошқа ўзгаришлар ҳамдир. Жаҳон қишлоқ хўжалиги йилига 2,8 минг км³ чучук сув ишлатади. Бу дунё бўйича чучук сув истеъмолининг 70% ини, ёки жаҳон саноати ишлатадиган сувдан 7 марта кўпдир. Бу сувнинг деярли хаммаси экинларни суғоришга ишлатилади. Шу муносабат билан иқлим ўзгариши ва сув танқислигининг ошиб бориши жараёнларини тадқиқот қилиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда сув ресурслари тақчиллиги янада ортиб бораётган бир шароитда АҚШ, Австралия, Исроил, Россия, Хитой ва Ҳиндистон каби ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш тартиблари, сувни тежайдиган суғориш технологияларини ишлаб чиқиш, суғориш усуллари ва технологияларини табиий-хўжалик шароитларга қараб районлаштириш, оптимал суғориш техникаси элементларини аниқлаш ва бошқалар бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув ресурслари тақчиллиги даврида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологияси билан модернизациялашга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш»¹ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4919 сонли қарорига асосан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажариш, жумладан Қашқадарё вилоятининг тоғ олди худудларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш, ирригацион эрозия жараёнини бартараф қилиш, эгат узунлиги бўйича намликнинг бир текис

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

тақсимланиши ва ташлама сувлар сарфини камайтириш мақсадида контурли, дискрет, механик таркиби енгил тупроқларда намлатгичли - блоклар ҳамда коллектор зовур сувларини чучук дарё суви билан аралаштирилган холда сув тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “2017–2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонлар ва 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005 сонли “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишга, ирригация ва мелиорация тизимларини такомиллаштиришга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс илмий-тадқиқотлар Австралия, АҚШ, Германия, Голландия, Исроил, Испания, Миср, Россия, Хитой, Ҳиндистон каби дунёнинг ривожланган мамлакатларининг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида Melbourne Polytechnic, Australian Cotton Research Institute (Австралия), University of California Riverside, Iowa State University, Californian Bizness and Irrigation University (АҚШ), University of Bonn, Karlsruhe Water University (Германия), Wageningen University (Голландия), Hebrew University, Ben Gurion University (Исроил), А.Н.Костяков номидаги Россия гидротехника ва мелиорация илмий тадқиқот институти, Россия давлат аграр университетининг Мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти, ФГОУ ВПО Волгоград қишлоқ хўжалик академияси, Новочеркасск давлат мелиорация академияси (Россия), Украина сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Миллий университети (Ровно, Украина), Indian Institute of Science, Agricultural Research Institute, Govind

²Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.taylorfrancis.com/books/9781315274898>; <https://agupubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1029/WR019i006p01415>; <https://agupubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1029/WR021i010p01463>; <https://www.narcis.nl/publication/RecordID/oai:tudelft.nl:uuid%3A80625555-86fb-4fcc-967c-4fd3f4351fe>; <http://en.cnki.com.cn/Articleen/CJFDTotal-ZDGC703.002.htm>; <https://www.taylorfrancis.com/books/e/9781315120584/chapters/10.1201/9781315120584-2>; <https://link.springer.com/book/10.1007%2F978-3-662-473313> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Ballabn Pant University of Agriculture & Technology (Хиндистон), Shehezi University (Хитой), “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти” Миллий тақиқот университети ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий - тадқиқот институтлари (Ўзбекистон)да амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг сув тежамкор техника ва технологиясига, суғориш сувининг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек суғориш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш масалаларига йўналтирилган назарий ва амалий тадқиқотларга бир қатор олимларнинг, жумладан Аверьянов С.Ф., Авербух Р.М., Айдаров И.П., Ахмедов Х.А., Бараев Ф.А., Багров М.Н., Богушевский А.А., Безбородов Г.А., Беспалов Н.Ф., Голованов А.И., Григоров М.С., Гостищев Д.П., Домуллождонов Х.Д., Духовний В. А., Икрамов Р. К., Исашов А., Камбаров Б.Ф., Кизяев Б.М., Кирейчева Л.В., Костяков А.Н., Комилов Б.С., Кривовяз С.М., Лактаев Н.Т., Мирзажанов К.М., Муродов Р.А., Натальчук М.Ф., Нерозин С.А., Норкулов У., Нурматов Н.К., Ольгаренко В.И., Рамазанов А.Р., Рахимбоев Ф.М., Рахматуллоев Р., Рачинский А.А., Серикбаев Б.С., Суринов В.А., Хамидов М.Х., Хамраев Н.Р., Хорст Г.О., Шейнкин Г.Ю., Шеров А.Ф., Шредер В.Р., Шумаков Б.Б., Шуравилин А.В., Якубов Х.И., Якубов М.А. ва бошқаларнинг ишларини айтиб ўтиш мумкин.

Тоғ олди-адирли ерларда дехқончилик юритишда сув ва ер ресурсларини бошқаришни илмий асослашнинг турли жиҳатларига Безбородов Г.А., Гусак Б.В., Дубенок Н.Н., Исашов А., Камбаров Б.Ф., Костяков А.Н., Комилов Б.С., Кузнецов М.С., Лактаев Н.Т., Мирзажанов К.М., Нурматов Н.К., Нурматов Ш.Н., Рахматуллоев Р., Серикбаев Б.С., Суринов В.А., Хамраев Н.Р., Шейнкин Г.Ю. ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган. Тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир этишнинг услуб ва усулларини бошқариш масалалари ечилган бўлсада, аммо уларнинг кўпчилиги республиканинг жанубида сув тақчиллиги кучаётганлиги ва ерларнинг чўлланишини эътиборга олганда ва ҳозирги даврда юзага келган хўжаликлардаги, ҳудуддаги сувни тақсимлашнинг ҳавза тамойили асосида сув хўжалигини бошқаришда сув истеъмолчилари уюшмаларидаги ҳар хил муносабатлар оқибатида такомиллаштиришни талаб этади.

Минтақавий ва маҳаллий (локал) сув манбалари жойлашган тоғ олди-адирли минтақаларда сув-ер ресурсларини бошқаришнинг шаклланишини таҳлил этиш, тадқиқотларнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилашга имкон берди: тоғ олди ҳудудларидаги текисликли - чўл ерлар шароитларида эгатлар бўйича суғориш назарияси тупроқдаги негатив жараёнлар: эрозия, чўкиш, суффозия, тупроқ кўчиши, шўрланиши, далада филтрацион сув исрофи ва грунт сувлари кўтарилишида ҳали етарли ўрганилмаган; янгидан ташкил этилган фермерлар ва сув истеъмолчилари уюшмалари учун суғориш воситалари тўпламини тўлдирувчи суғориш воситалари, мосламалари, сув тежаш ва тупроқни муҳофазалаш ролини бажарувчи суғориш технологиялари бўйича тавсиялар ва ишланмалар етарли эмас; хўжаликларда суғориш

тармоқларини такомиллаштириш бўйича лойиҳа ишланмаларида сув тежамкор суғориш технологияларини белгилашда масала ечимининг комплекслигини эътиборга олиш зарур, энг аввало кейинги ҳосил олишни режалаштириш учун далада ресурс тежамкор, сув-ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини назарда тутмоқ лозим; фермерлар ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг янги аъзолари учун мажбурий бўлган оптимал суғориш режимини, техникасини ва уларни агротехник тадбирлар билан мувофиқлаштиришни тартибга солиш. Келтирилган муаммоларга боғлиқ равишда сув тежамкор ва тупроқни муҳофазаловчи суғориш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли тадқиқотларни ўтказиш - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун мумкин бўлган тавсия этилаётган ишланмаларни иқтисодий ва экологик асослашнинг табиий-хўжалик тамойиллари вазифаларини ечишга имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси ИТМ (НИЦ МКВК) нинг 01.07.–”Разработать водосберегающую, почвозащитную технологию полива зерноколосовых, хлопчатника, культур хлопкового комплекса, осуществить подбор поливной техники для различных природных условий Узбекистана” мавзусидаги илмий-тадқиқот дастури ҳамда 01.08–“Разработать водосберегающие технологии поливов для условий маловодья и ограничения водопотребления сельхозкультур” мавзусидаги илмий-тадқиқот дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 1/2017–сонли «Сув тежамкор суғориш технологиясини такомиллаштириш ва уларни фермер хўжаликларидан жорий этиш» мавзудаги хўжалик шартномаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Республиканинг жанубий ҳудудларидаги суғориладиган ерларида сув ресурслари маҳсулдорлигини ошириш, чўкиш, суффозия, эрозия, кўчиш ва шўрланишга мойил тупроқлар шароитида сув тежамкор суғориш технологиялари ва техникаси элементларини илмий асослаш, уларни районлаштириш ҳамда сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида зовур сувларидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республикамизнинг жанубий ҳудудидаги тоғолди-адирли, текисликчи-чўл ва чўл минтақаларидаги сув ресурслари тақчиллиги ва суғориладиган ерлар тупроқларининг деградацияси муаммоларини ўрганиш;

суғориладиган ерларда чўкишга, суффозияга, эрозияга ва кўчишга мойил тупроқлар шароитида мавжуд суғориш технологияларидан фойдаланиш имконларини ўрганиш;

суғориладиган ерларда чўкишга, суффозияга, эрозияга ва кўчишга ҳамда шўрланишга мойил тупроқлар шароитида контурли, дискрет, намлатгич-блоки эгатлар билан, локал ва томчилатиб суғориш технологиялари, суғориш

техникаси элементлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш;

сув ва ресурс тежамкор, тупроқ деградациясини олдини олувчи, унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминловчи қишлоқ хўжалик экинларини суғориш технологияларини районлаштиришни амалга ошириш;

сув ресурслари махсулдорлигини ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлайдиган агромелиоратив тадбирларни илмий асослаш;

сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида зовур сувларидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ғўза етиштиришда зовур сувларидан фойдаланишнинг тупроқни туз режимига, заҳарли тузлар миқдорига ҳамда ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

сув ва ресурс тежамкор, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминловчи сув тежамкор суғориш технологиялари, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиблари ҳамда зовур сувларидан ғўзани суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқотлар объектлари сифатида, Қашқадарё вилоятининг чўкишга, суффозияга, эрозияга ва кўчишга мойил тупроқлари сув ва ресурс тежамкор, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминловчи контурли, дискрет, намлатгич-блоклар билан, локал ҳамда Бухоро вилоятининг шўрланишга мойил тупроқлари шароитида томчилатиб суғориш технологияси, уларнинг суғориш техникаси элементлари, қишлоқ хўжалик экинларининг мақбул суғориш тартиблари ҳамда юқори минераллашган зовур сувлари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб, контурли, дискрет, намлатгич-блоклар билан, локал ва томчилатиб суғориш технологиялари, уларнинг суғориш техникаси элементлари, қишлоқ хўжалик экинларининг мақбул суғориш тартибларини тупроқдаги негатив жараёнлар: чўкиш, суффозия, эрозия ва кўчишга, экинларнинг ҳосилдорлигига ҳамда зовур сувлари билан ғўзани суғоришнинг тупроқни туз режимига, заҳарли тузлар миқдорига ва ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, сув-туз баланслари ҳисоби, экспериментларни математик моделлаштириш услубларидан, лаборатория ва дала тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПТИ, 2007 йил)дан, суғориш техникаси элементларини аниқлашда ИСМИТИ (САНИИРИ) да қабул қилинган услублардан, шунингдек, олинган маълумотларни математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов услубидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув ресурслари тақчиллиги ва суғориладиган ерлар тупроқлари деградацияси, унумдорлигини йўқотилишининг асосий сабаблари ва миқдорий кўрсаткичлари сув-туз баланслари ҳисоби ёрдамида асосланган;

суғориладиган ерларда чўкишга, суффозияга, эрозияга ва кўчишга мойил тупроқлар шароитида самарали бўлган контурли, дискрет, намлатгич-блоклар,

локал ҳамда шўрланишга мойил тупроқларни инобатга олиб томчилатиб суғориш технологиялари ва суғориш техникалари элементлари ишлаб чиқилган;

контурли, дискрет, намлатгич-блоклар, локал ва томчилатиб суғориш технологиялари ҳамда суғориш техникаси элементларини тупроқнинг чўкиши, суффозияси, эрозияси ва кўчишига таъсири ҳамда сув ресурслари самарадорлигига, тупроқ унумдорлигига ва экинларнинг ҳосилдорлигига таъсири асосланган;

такомиллашган сув ва ресурс тежамкор суғориш технологияларининг районлаштирилиши амалга оширилган ҳамда сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш асосида ғўза етиштиришда зовур сувларидан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган;

сув ва ресурс тежамкор, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминловчи такомиллаштирилган суғориш технологиялари ҳамда зовур сувларидан ғўзани суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорликлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикамизнинг жанубий худудидаги тоғолди-адирли, текисликли-чўл ва чўл минтақаларидаги суғориладиган ерларида тупроқларнинг чўкишини, суффозиясини, эрозиясини ва кўчишини олдини олувчи контурли, дискрет, намлатгич-блоклар билан, локал ҳамда томчилатиб суғориш технологиялари такомиллаштирилган ҳамда суғориш техникаси элементлари ишлаб чиқилган;

ушбу технологиялар районлаштирилган, уларни жорий этиш натижасида юқоридаги тупроқдаги салбий жараёнларнинг олди олиниши билан 1 м³ сувнинг самарадорлиги ва етиштирилаётган экинларнинг ҳосилдорлигини ошиши ҳамда сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида ғўза етиштиришда зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тасдиқланган ва умум қабул қилинган дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республикамизнинг жанубий худудидаги тоғолди-адирли, текисликли-чўл ва чўл минтақаларидаги суғориладиган ерларида чўкишга, суффозияга, эрозияга ва кўчишга мойил тупроқлар шароитида самарали бўлган контурли, дискрет, намлатгич-блоклар билан локал суғориш технологияларини ҳамда шўрланишга мойил бўлган тупроқлар шароитида томчилатиб суғориш технологиясини такомиллаштирилганлиги, уларнинг суғориш техникаси элементларининг ишлаб чиқилганлиги, такомиллашган сув ва ресурс тежамкор суғориш технологияларининг районлаштирилиши амалга оширилганлиги, сув танқислигини салбий

оқибатларини юмшатиш мақсадида ғўза етиштиришда зовур сувларидан фойдаланиш технологиясини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чўкишга, суффозияга, эрозияга ва кўчишга мойил тупроқлар шароитида самарали бўлган контурли, дискрет, намлатгич-блоклар билан, локал суғориш технологияларини ҳамда шўрланишга мойил бўлган тупроқлар шароитида томчилатиб суғориш технологияси, уларнинг суғориш техника элементларини жорий этиш юқоридаги салбий жараёнларни олдини олиши, сув ресурсларини иқтисод қилиши ва махсулдорлигини ошириши, тупроқ унумдорлигини саклаши ва ошишини таъминлаши, ғўза етиштиришда зовур сувларидан фойдаланишнинг минтақадаги сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш имконини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамининг жанубий худудидаги тоғолди-адирли, текисликчи-чўл ва чўл минтақаларидаги суғориладиган ерларида сув ресурслари тақчиллиги шароитида суғориш сувининг махсулдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

эгатлаб суғоришда чўкиш, суффозия ва эрозия рўй бериши шароитида суғоришнинг турли технологиялари Яккабоғ туманидаги “Ҳисор”, ”Ойдин” фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8-февралдаги № 04/20-463-сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликларида суғориш сувини 25-30 % га тежаш ва ғўза ҳосилдорлигини гектарига 5-6 центнерга ошишига эришилган;

контурли, дискрет (импульсли) ва локал суғориш технологиялари Яккабоғ туманидаги “Малика Холмамат қизи” ва “Бекзод Саттор бобо ўғли” фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8-февралдаги № 04/20-463-сонли маълумотномаси). Натижада тупроқ чўкишини, суффозиясини ва эрозиясини 40–50 % га камайтириш, суғориш суви сарфини 30 % гача тежаш, намланиш юзасини ошириш ва эгат узунлиги бўйича тупроқни текис намланиши ва ташлама сувларни йўқотиш имконияти яратилган;

ғўзани намлатгич-блоклар билан суғориш технологияси Косон туманидаги “Сабри ўғли Мустафо” номли фермер хўжалигининг 6 гектар суғориладиган ерларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8-февралдаги № 04/20-463-сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжалигида мавсумий суғориш меъёрини режага нисбатан 1300 м³/га камайиши ва пахта ҳосилини гектарига 7,5 центнерга ошишига эришилган;

боғларни томчилатиб суғориш усулини қўллаш технологияси Бухоро тумани “Дилноз ўғли Абдухалил” фермер хўжалиги ерларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8-февралдаги № 04/20-463-сонли маълумотномаси). Натижада ер устидан анъанавий суғоришга нисбатан лойқалиги 2,5-3 кг/м³ гача бўлган сув билан суғорилганда суғориш суви 40 % га тежалиши ва минерал ўғитлар сарфини 50 % га қисқариши имкони яратилган.

минераллашган коллектор-зовур сувларидан кўшимча сув ресурси захираси сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар ҳамда тупроқнинг механик таркибини, сизот сувлари режими ва дала нишаблигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган суғориш техникаси элементлари Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номи ҳамда “Пахтаобод” фермерлар уюшмаси далаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8-февралдаги № 04/20-463-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш сувларини 15 % гача тежаш имконияти яратилган;

сув тақчиллиги даврида минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш технологияси Косон туманидаги “Эшмуродов Бекназар Жума бобо ўғли” фермер хўжалиги ерларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8-февралдаги №04/20-463-сонли маълумотномаси). Натижада Косон тумани фермер хўжаликлари далаларида коллектор-зовур сувларини кўшимча сув манбаи сифатида ишлатиш натижасида дарё сувларини 50 % га иқтисод қилиш имкони яратилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ҚарМИИ ва ТИҚХММИ Бухоро филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси тавсияларига биноан институтлар Илмий Кенгашлари томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари 31 та, шу жумладан 9 та халқаро илмий-амалий конференцияларда, шунингдек илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та хорижий ва 12 та илмий мақола республика журналларида, шунингдек 3 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари ҳақида маълумотлар ёритилган, бажарилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий зарурияти ҳамда аҳамиятлари баён этилган, натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Республиканинг жанубий ҳудудларида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолати”** деб номланган биринчи бобида сув ресурслари ва улардан фойдаланиш, суғориш усулларининг назарий асослари,

чўкувчан лёссли грунт шароитида экинларни суғориш, ғўзани ва маккажўхорини суғориш тартиби ва технологиялари каби масалалар кўриб чиқилган.

Ўрганилаётган масала ҳолатининг таҳлили Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий асослаш йўллари белгилаш имконини берди.

Диссертация мавзуси бўйича Республикамиз жанубий ҳудудлари Қашқадарё вилояти тоғ олди ва чўкувчан енгил тупроқли майдонлари ҳамда Бухоро вилоятида шўрланган тупроқлар шароитида сув тежамкор суғориш технологиялари бўйича ИТИ олиб борилган. Қашқадарё вилоятига суғориш учун ҳар йили 5170 млн.м³ лимит ажратилади, жумладан Амударёдан 3720 млн.м³, кичик дарёлардан 1090 млн.м³, ер ости ва зовур сувлари ҳисобидан 360 млн.м³ иборат. Бухоро вилоятида эса, Амударёдан 3800 млн.м³, кичик дарёлардан 350 млн.м³, ер ости ва зовур сувлари ҳисобидан 140 млн.м³ сув суғориш ва шўр ювиш ишларида фойдаланилади. Диссертациянинг иловасида сув-туз балансларининг батафсил ҳисоблари келтирилган.

Адабиёт манбаларида келтирилган маълумотларни умумлаштириш ва уларни таҳлили назарий тадқиқотларнинг кўпчилик қисми оқим сув сарфи, эгатнинг жонли кесим юзаси, ҳўлланган периметри, гидравлик радиуси, оқим барқарорлашининг тезлиги кабиларга суғорилувчи эгатдаги оқимнинг гидравлик параметрларини ўрнатишга бағишланганлигини кўрсатади. Бу йўналишда муҳим хулосалар С.М.Кривовяз, В.Ф.Носенко, А.Н.Ляпин, Н.Т.Лактаев, В.А.Суринов ва бошқаларнинг ишларида мавжуд. Ер устидан суғоришнинг параметрларини ўрнатиш бўйича улар томонидан таклиф этилган боғланишлар тавсия этилган ҳисобий боғланишлардан бирмунча фарқ қилади, буни тупроқнинг, рельефнинг ва суғориш объекти бошқа шароитларининг ҳар хиллиги билан изоҳлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Тожикистонда суғориш техникаси ва технологияси бўйича А.Н.Костяков номидаги Россия гидротехника ва мелиорация илмий тадқиқот институти (аввалги ВНИИГиМ), К.А.Тимирязев номи Россия давлат аграр университетининг Мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти (аввалги МГМИ) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра суғоришнинг назарий асоси сифатида Хортоннинг боғланиши олинган, унга кўра тупроққа сувнинг шимилиши динамикаси экспоненциал боғланиш кўринишига эга. ИСМИТИ олимлари реал шароитларга уч параметрли тенгламалар мос келади деб ҳисоблашади. Уларнинг тадқиқотларида С.Ф.Аверьянов томонидан ишлаб чиқилган ва Н.Т. Лактаев томонидан ривожлантирилган сув шимилиши назарияси ишлатилган. Суғориш техникаси элементлари катталикларини ўрнатишга келганда, ушбу суғориш назариясига таянган ҳолда Н.Т.Лактаев уларни эгатдаги суғориш оқими катталигини, унумдорликка ва грунтларнинг чўкиши жараёнига, айниқса эгат кесими бўйича тупроқнинг ювилишида, салбий таъсир келтириб чиқармайдиган қилиб танлаш билан асослаб берган.

Кўпчилик тадқиқотчилар ювилишга йўл қўйилган оқим сув сарфини ўрнатишадилар, ундан ортиғи тупроқ унумдорлигини йўқотиш хавфини туғдиради. Аммо, тупроқнинг ювилишисиз суғориш учрамайди, шунинг учун А.Г. Хачатрян, Е.А. Замарин, И.И. Горошков, Г.О.Хорст каби олимлар ювилишнинг йўл қўйилган меъёрларини ўрнатишни таклиф этишади ва асосан сув оқимларининг ташиш қобилиятидан ва ўзан жараёнларидан, уларни эгат оқимлари режими учун ҳам қўллаш мумкин деб ҳисоблашганидан келиб чиқиб ҳисобий боғланишларни тавсия этишади.

Аммо, улар томонидан келтирилган боғланишлар суғориш эгатлар учун қўллаш борасида бир қатор камчиликларга эга. Ушбу ишланмаларнинг асосий камчилиги шундаки, уларда эгатларда лойқа ўтириши бўйича ҳақиқий маълумотлар, айниқса суғоришнинг баҳорги даврларида сувнинг лойқалигини ва бошқаларни ҳисобга олиш зарурлиги киритилмаган, лекин оқувчан заррачаларнинг чўкишининг умумий назарияси мавжуд. Ушбу тадқиқотларнинг таҳлили ва умумлаштирилиши шуни кўрсатадики, салбий жараёнларнинг кўриниши бўлган ерларда (эрозия, чўкиш, суффозия, кўчиш ва б.қ.) суғориш назарияси ҳали етарлича келтирилмаган. Суғоришнинг мавжуд назарияси асосан тупроқнинг яхши хоссалари бўлган ерлар учун ишлаб чиқилган.

Суғориш эгатларининг мақбул ўлчамларини, суғориш техникаси элементларини, шунингдек ҳар хил механик таркибли ва чўкувчанлиги бўлган тупроқларда замонавий суғориш техникасини қўллаш имкониятини аниқлаш кўшимча тадқиқотларни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, суғориш технологияларини суғорма деҳқончиликни юритишни такомиллаштириш билан бирга олиб бориш деҳқончиликни интенсификациялашнинг ҳали ўрганилмаган потенциал имкониятларини очишга имкон беради. Хусусан, бу ҳақда Марказий Осиёда Костяков А.Н., Шумаков Б.Б., Ўзбекистонда Ахмедов Х.А, Хамраев Н.Р., Духовний В.А., Икромов Р.К., Муродов Р.А., Хамидов М.Х., Қирғизистонда Кулов К. М., Грузияда Бокерия В.Н., Россияда Григоров М.С., Гостищев Д.П., Ольгаренко В.И., Украинада Науменко И.И., Келлер Д., Кармелли Д., Молдавияда Нуралбекова К., Скрипчинская Л.В., Арманистонда Акопов Е.С. ва Аразян К.Е., Озарбайжонда Алиев Б. ва Баширов М., Тожикистонда Шейнкин Г.Ю., Домуллоджанов Х.Д., Қозоғистонда Чернов Г.И. ва бошқа олимларнинг тадқиқот натижаларида таъкидлаб ўтилган, уларнинг ишларида сув тежамкор технологияларнинг хусусиятлари келтирилган, суғориш тизими орқали тупроққа ўғит киритиш, ҳаво ва сувда эритилган углекислота бериш кабилар келтирилган.

Эгатлаб суғоришни такомиллаштиришга Лактаев Н.Т., Кривовяз С.М., Хорст М.Г., Камбаров Б.Ф. ва бошқаларнинг маълум тадқиқотлари бағишланган. Эгатлаб суғоришда эрозияга қарши тадбирлар сифатида бир қатор муаллифлар ўзгарувчан оқим билан суғоришлар тавсия этилган.

Вилоят бўйича чўкиш хусусиятларига эга бўлган тупроқ грунтли ерлар Қарши чўли ерларда 7,2 минг гектарни ва Бухоро вилояти билан чегараларгача бўлган ўзлаштирилган ерларда 12 минг гектарни ташкил этади. Бундай ерларда

умумий суғориш меъёри 18 минг м³/га гача етиши мумкин, грунтларнинг чўкиши ерларни текислашда 700-1000 м³/га гача бўлган ҳажмдаги ер ишларини талаб этади, чўкиш воронкаларига ўғитларнинг исрофи уларни киритиш ҳажмларининг 32 % гача этади, дала сатҳининг деформацияси тупроқнинг куриб қолишини ва воронка жойларида ўта намлантиришни тақозо этади, культиваторлар ва эгат олгичлар тупроқни қайта ишлаш бўйича ишларни сифатсиз бажаради. Буларнинг ҳаммаси ғўза, маккажўхори ва беда ҳосилини пасайтиради.

Тоғолди ерларини ўзлаштириш ва эгатлар бўйича суғориш яна тупроқларнинг ирригацион эрозияси хавфини келтириб чиқарди. Лойиха институти (Ўздаверлойиха)нинг маълумотлари бўйича 206,8 минг гектар ерларда бундай хавф сезилади, 150 минг гектар майдонда эрозиянинг кучсиз хавфи, 103,3 минг га майдонда эрозиянинг ўртача хавфи, 31,6 минг га майдонда эрозиянинг кучли хавфи пайдо бўлди. Эрозиянинг жуда кучли даражаси 2,4 минг га майдонда пайдо бўлди, вилоят бўйича тупроқнинг ювилиши ўртача 6,2 т/га ни ташкил этади. Тупроқ ирригацион эрозиянинг потенциал хавфлилик даражаси бўйича суғориш майдонларининг тақсимланиши таҳлил қилинди.

Сув манбаларидаги сув сифатининг ёмонлашуви долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Қашқадарё дарёси кейинги даврларда йилига 600 млн.м³ ҳажмга эга бўлган коллектор-зовур сувларининг сув қабул қилгичи бўлиб хизмат қилмоқда. Қашқадарё дарёсининг гидрохимик режими табиий ва антропоген омиллар таъсирида шаклланади. Масалан, оқим шаклланиши зонасида минерализация режими йилнинг сувлилиги, тошқин ва сув кам даври ва сув манбаининг бошқа табиий хусусиятлари билан аниқланади. Оқим шаклланиши зонасидан узоқлашган сайин гидрохимик режими дарёлардан сув олиш, минераллашган сувларнинг ташланиши шаклидаги антропоген юкламаларнинг таъсири остида анча трансформацияланади, ўзгаради. Ишлатиладиган сувларнинг минераллашганлиги 2,6 г/л гача кўтарилганлиги кузатишган.

Қишлоқ хўжалиги экинларнинг сув истеъмолини белгилаш ҳамда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича хориж олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, Irmak, S., Odhiambo, L.O., Fraiture, C., Perry, C., Iglesias, E., Blanco, M., Hsiao, T.C., Steduto, P., Fereres, E., Faurès, J., Svendsen, M., Turrall, H., Kampas, A., Petsakos, Evett, Steven R., Paul D. Colaizzi, and Terry A. Howell сингари тадқиқотчилар шулар жумласидандир.

Тупроқда суғориш олди намлиги одатда минимал нам сифимида бўлади, шу сабабдан суғориш тартибини белгилаш ва уни амалга ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Суғориш пайтида сувни қишлоқ хўжалиги экинлари ҳар хил миқдорда истеъмол қилади ва шу нуқтаи – назардан вегетациянинг ҳар бир фазаси учун конкрет суғориш режими белгилаб олинади. Бунда тупроқ шароитлари ҳисобга олинishi талаб этилади.

Соҳа олимлари Беспалов Н.Ф., Хамидов М.Х., С.Н.Рижов, Рахимбоев Ф.М., Исабоев Қ., Алиева Д., Мамбетназаров Б.С., Авлиёқулов А.Э., Баталов А., Самандаров Э.И., Саримсоқов М.М., Нуржанов К.Р., Мирзажонов Қ.М.,

Малабоев Н.Э., Умаров Д.Д., Рачинский А.А., Жўраев А.Қ., Ҳамраев Ш.Р., Ражабов Т., Хасанов М., Жуманов Д., Мўминов К., Тоштемиров А., Тўраев Р.А., Тўраев А., Сатипов Ғ. ва Самандаров Э., Дурдиев Н.Х., Ҳайдаров Б.А., Исаев С.Х., Мусурмонов Р.К., Жўраев У.А., Якубов Қ., Мансуров Й.А., Махмудов Д.И. ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган республикамизнинг турли вилоятлари шароитида ғўзанинг турли навлари учун суғориш олди намлигининг мақбул режими, назарий жиҳатдан ғўзанинг суғориш меъёрини асослаш, ўсув давридаги сизот сувлари чуқурлигига нисбатан ғўзани ўсиши, турли хил суғориш меъёрларида, ҳосилдорликка тупроқ шўрланиш даражасини ва минераллашган сувлар билан суғорганда таъсири, мазкур диссертация ишида қаралаётган тадқиқот объектларида етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятининг шароитига мос тупроқнинг чўкиши, суффозия, кўчиши ва эрозияга қарши, Бухоро вилоятининг шўрланишга мойил тупроқлари шароитида сув тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш, уларни муайян тажриба участкаларида синаб кўриш ҳамда фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари учун илмий ва амалий тавсиялар яратиш мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертация ишининг **“Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг табиий ва хўжалик шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг географик ўрни, иқлими ва геоморфологик, геологик ва гидрогеологик тупроқ-мелиоратив шароитлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган ва таҳлил қилинган.

Қашқадарё вилоятидаги суғориш зоналари бўйича табиий-иқлим омилларининг таҳлили, ландшафтни тоғлардан чўл зоналарига ўзгариб бориши баробарида, атмосфера ёғинлари йил давомида 548 дан 367 мм гача пасайиб боради, ўртача ойлик ҳарорат 14,9 дан 16,6 °С гача ошади, нисбий намлик эса 60 дан 22% гача камайиши кузатилади. Вилоят ҳудуди юқори буғланиш (1110-1580 мм) ва кам ёғин билан тавсифланади, бу эса деҳқончиликни олиб бориш учун ноқулай омил бўлиб ҳисобланади ва суғориш - мелиоратив тадбирларини талаб этади.

Вилоятнинг геоморфологияси ва гидрогеологик шароити бир қатор олимлар, жумладан Н. Р. Василковский, Г. А. Мавлянов, Н. Н. Ҳожибаев кабиларнинг тадқиқотларида батафсил баён этилган. Лёссли ётқизикларнинг тўртламчи даврли геологик ёшга эга тоғ ён-бағри -тоғ олди текисликлари зонасидан бошлаб жойлашган суғориладиган ерлар тоғ олди шлейфларининг пролювиал текисликлари (V зона)ни ўз ичига олади.

Тупроқдаги суффозия жараёнлари Нишон, Деҳқонобод, Яккабоғ, Шахрисабз, Китоб, Чирокчи, Косон туманларида 47 минг гектар майдонда тарқалган. Улар далага бериладиган сувнинг 34-42 % гача филтрацияга сув йўқотилишига сабаб бўлади. Китоб-Шахрисабз-Яккабоғ-Чирокчи-Қамаши тоғ олди зонасида тик ёнбағирларда, террасаларда ер кўчиши жараёнлари содир бўлади. Ҳаддан ташқари суғоришда эса кўчки жараёнлари кузатилади.

Гидрогеологик нуқтаи назардан қаралаётган ҳудуд асосан Қашқадарё дарёсининг дельта қисми бўлиб, ҳозирги Амударё дарёси водийси ва Зарафшон дарёси дельтаси томон очиқ бўлган гидрогеологик тузилиши ярим ёпиқ турига мансуб ҳисобланади.

Бухоро вилоятининг суғориладиган ерлари асосан иқлим бўйича қурғоқчил, рельефи бўйича текислик минтақасида ва гидрогеологик жиҳатидан III-гидрогеологик яъни, сизот сувларини буғланиш минтақасида жойлашганлиги учун табиий равишда доимо шўрланишга мойил ерлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вилоят ҳудудидаги барча тупроқ турлари турли даражада шўрланган. Ўздаверлойиҳа институтининг берган маълумоти бўйича вилоятнинг суғориладиган ерларини 80-90% қисми шўр тупроқлар ҳисобланади.

Вилоят мўътадил иқлим ва субтропик минтақасининг шимолий чегарасида жойлашган бўлиб, қуёш радиацияси оқимининг юқори даражаси, ер юзаси ва атмосфера циркуляцияси хусусиятлари билан биргаликда иқлимнинг ҳаво ҳароратининг мавсумий ва суткалик катта тебранишлари, давомли қуруқ ва иссиқ ёзи, намга тўйинган баҳор ва беқарор қиши билан тавсифланадиган кескин континентал иқлимни келтириб чиқаради. Воҳанинг иқлими кескин континентал, июлнинг ўртача ҳарорати 28-32 °С, қумликларда 50-60 °С гача ҳарорат кўтарилади. Абсолют ҳароратнинг энг юқори максимал қиймати 45 °С гача боради. Январь ойининг ўртача ҳарорати шимолда - 9 °С дан, жанубда эса 0 °С гача пасайиб боради, энг паст ҳарорат -24 °С ни кўрсатади. Воҳада совуқ бўлмайдиган вақт 210-220 сутка, шамол бўлмайдиган вақт эса 90-100 сутка бўлиб, вегетация даври 220 суткани ташкил этади.

Бухоро вилоятида қўлланилаётган тадбирлар тупроқни туз-сув режимларини ўсимликлар учун талаб қилинадиган даражада сақлаб туришни таъминлай олмайди. Бунинг асосий сабаблари суғориладиган ерларни табиий (тупроқ тури, тузилиши, таркиблари, хоссалари, унумдорлиги, гидрогеологик шароитлари) ва сув-хўжалик (суғориш ва коллектор-зовур тизимлари, суғориш тартиблари, экинларни жойлаштириш структураси, алмашлаб экиш ва маҳсулот етиштириш технологиялари) шароитларини етарлича ўрганилмаганлиги ва такомиллаштирилмаганлигидир.

Бухоро вилоятида мавжуд ерларнинг шўрланиш даражаси 86 % ташкил этади. Бу кўрсаткични ижобий томонга ўзгартириш мақсадида мелиоратив техникаларни иш самарадорлигини ошириш билан эришиш мумкин. Вилоятида ҳозирда сув тежамкорлигига эришиш мақсадида томчилатиб суғориш ишларини кенгайтириш зарур. Бу эса ўз навбатида вилоятдаги ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради.

Бажарилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра мамлакатимизнинг Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги мураккаб иқлим, гидрогеологик ва сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш услубларини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида мазкур диссертация ишининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

“Суффозияга, эрозияга, чўкишга ва кўчишга мойил тупроқлар шароитида экинларни суғориш технологияларини такомиллаштириш” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида тупроқларда юзага келувчи

салбий жараёнларни олдини оловчи агромелиоратив тадбирлар, маккажўхорини контурли суғориш технологияси ва суғориш техникаси элементлари, контурли эгатлар бўйича суғорилган маккажўхорининг ҳосилдорлиги, маккажўхорини дискрет суғориш технологияси ва суғориш техникаси элементлари, дискрет суғориш технологиясида суғорилган маккажўхорининг ҳосилдорлиги, намлатгич-блоклардан ҳосил қилинган экранли эгатлардан ғўзани суғориш технологияси, суғориш тартиби ва ҳосилдорлиги, террасаларда сув тежамкор локал суғориш технологияси, узумни томчилатиб суғориш технологияси ва суғориш тартиблари, ҳамда ҳосилдорлиги, локал суғоришда самарали сув тарқатиш, қишлоқ хўжалик экинларининг сув истеъмоли, сув тежамкор суғориш технологияларини районлаштириш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари баён этилган.

Тоғ олди ҳудудларида тупроқларда юзага келувчи салбий жараёнларни олдини оловчи агромелиоратив тадбирлар сифатида механик таркиби оғир тупроқларнинг сув ўтказувчанлик қобилятини ошириш мақсадида ерлар чуқур юмшатгичлар билан ишлов бериш кўзда тутилган.


Контурли суғориш дала тажрибалари Шахрисабз тумани “Ҳиссоракгидроқурилиш”нинг тажриба участкасида ўтказилган. Тупроғи механик таркибига кўра оғир кумоқ тупроқ ҳисобланади.

Контурли суғоришни ташкил қилиш учун одатда параллел горизонталли қияликлар танланиб, эгат оралиғи 0,7 м, қиялик нишаблиги 0,04-0,10 бўлган жойларда эгат нишаблиги 0,020-0,025 ни ташкил қилди.

Биринчи суғоришдан кейин маккажўхори фақат 1 марта культивация ва 2 марта эгатлар олиш ўтказилди. Контурли эгатларга сувни тақсимлаш учун 210 мм диаметрли полиэтилен қувурлардан кесилган новли тармоқдан фойдаланилди. Сув чиқариш тешикларига девори бўйлаб ёнидан кесилган чокли пластмасса қувурчалар ўрнатилди, сув сатҳига нисбатан сув сарфини ростлаш имконияти яратилди.

Контурли суғоришда суғориш техникаси элементлари чуқур юмшатишсиз вариантларда эгат узунлиги 195-210 м бўлиб, суғориш техникаси ФИК 0,74-0,78 чуқур юмшатишда эса, суғориш давомийлиги ва эгат узунлиги 2 марта камайиб, суғориш техникаси ФИК 0,79-0,81 бўлишига эришилди. Шунингдек суғоришда эгатга берилган сув сарфи чуқур юмшатишда 2 баробар ортиқ бўлиб, суғоришлар сони камайди, суғориш сувининг самарадорлиги чуқур юмшатишсиз 45,1-51,9 бўлса, 90 см га чуқур юмшатишда 33,8-34,7 м³/ц ни ташкил қилиб, 25% юқори бўлди.

Суғориш техникаси элементларининг рационал қийматларини аниқлаш учун ИСМИТИ услуги бўйича тупроққа сувнинг шимилиши параметрларини аниқлашнинг графоаналитик услубидан фойдаланилди (1-расм).



1–расм. Суғориш техникасининг мақбул параметрларини аниқлашнинг графоаналитик услуги

ОАГа'' – суғориш меъёри нетто, м³/га, m_{нт}; Аа' Г – сувнинг фильтрация исрофи, м³/га, m_ф; Га''с' – сувнинг эгат охиридаги ташламага кетган исрофи, м³/га, m_{сбр}. а'с' - ℓ_{ташлама} Оо''с' - ℓ_{оқим.х.} Оа'' - ℓ_з; бу ерда ℓ_з=f(m_{нт}). График 1 - ℓ_{оқим.х.}=f(t); II–m=f(t); III–m=f(t, ℓ); О_в' шкаласи бўйича нетто ва брутто суғориш меъёрлари аниқланади, м³/га, бунда ОА – Оа'' учун нетто суғориш меъёри, Оа'– ОА'' учун брутто суғориш меъёри. "Г" нуқтада нетто суғориш меъёри Оа'' бўйича тавсия этилган узунликда тугайди, сўнгра а''с' Г – ташлама, Аа' Г оқиб кетиш. D, Q катталиклари m=f(t, ℓ).

Контурли суғориш технологиясида суғориш меъерининг ўзгариши ва контурли суғоришда суғориш сувининг самарадорлиги 2-расмда келтирилган.


Дискрет суғориш технологияси Шахрисабз тумани “Хасанов Абдумалик” фермер хўжалигида 2003-2005 йилларда тажрибаси ўтказилган бўлиб, тупроғи механик таркибига кўра оғир қумоқдан ташкил топган.

Маккажўхорини суғориш меъерини аниқлаш учун эгатлаб суғоришда профессор Н.Т.Лактаев тавсия этган қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$m = K_{уст} \left(t + \frac{b}{1-\alpha} \cdot t^{1-\alpha} \right) \cdot 10^4 \quad (1)$$


бу ерда: m-суғориш меъёри, м³/га, t-суғориш давомийлиги, соат, K_{уст}, b, α - шимилиш параметрлари.

Аа' Г оқиб кетиш. D, Q катталиклари $m=f(t, \ell)$, функциясидан III–квадратда аниқланади.



2-расм. Контурли суғориш технологиясида суғориш меъёрининг ўзгариши, м³/га

Дискрет суғориш эгат узунлиги бўйича намланишнинг сифатини циклар оралиги 2 соат билан сув бергандаги танаффусларда тупроқ шимилиш қобилятининг ўзгариши ҳисобига мувофиқлаштирилиб борилди ва унинг бир қатор афзалликларини номоён бўлиб, жумладан эгат узунлиги бўйича намликнинг бир текис тақсимланиши ва сувни ташламага чиқиши кескин қисқарди. Дискрет суғоришда суғориш эгатлар узунлигининг ошиши билан оралик ўқ-ариқлар сони 1,5-1,7 марта қисқариб, ЕФК 3,2 % га ва суғоришнинг ФИК 0,25% га ошди. Эгатларда К-9 полимерини ишлатиб суғоришда тупроқ ювилиши 1,6 мартага камайди ва одатдаги эгатларга нисбатан сув сарфининг 1,5 мартага ошишига эришилди.



3-расм. Дискрет суғориш технологиясини схематик кўриниши.

Дискрет суғориш технологиясида К-9 полимерини қўлланилиши натижасида маккажўхорининг ҳосилдорлиги 16% га ва 1 м³ сувнинг самарадорлиги 34,3 % га ошиши кузатилди. Суғориш эгатларининг узунлиги 190-255 метрдан 150-200 метрга қисқарди. Дискрет суғоришнинг қўлланилишида суғориш техникасининг меъёрий элементлари шундан далолат берадики, цикли суғоришларда эгатнинг оптимал узунлиги ва эгатга сув сарфи ўзгаради. Бу ҳолатда эгатда суғориш техникасининг ФИК ни ошириш имконияти қайд этилади (3-расм).

Намлатгич-блоклардан ҳосил қилинган экранли эгатлардан ғўзани суғориш технологияси Косон тумани “ Холмирза-Умид” фермер хўжалигида 2006-2008 йилларда дала тажрибалари олиб борилган.

Мазкур технология тадқиқот объекти тупроғи механик таркиби бўйича енгил қумоқдан ва қумлоқ бўлган ва айрим жойларда тупроқ хажмининг 52 % гача бўлган юқори ғовакликли оч қўнғир тупроқли худуд танланган. Бундай жойлар суғориш оқибатида суффозиянинг пайдо бўлиши ва кўп сув сарф бўлиши билан тавсифланади. Тупроқнинг сув - физик хоссаларини ғоваклиги ҳисобига сув сақловчи ва сув ушловчи сиғимни оширувчи 45-50 см чуқурликга намлатгич-блоклар ётқизиш йўли билан яхшилانган.

Намлатгич-блокли суғориш технологиясида эгат узунлиги 50 м қилиб белгиланди. Тадқиқот натижаларига асосан намлатгич-блокли суғоришда суғориш суви 20 % га тежалишига ва 1 м³ сувнинг самарадорлиги 33,4 % га ва ғўза ҳосилдорлигининг 19 % юқори бўлишига эришилди.

Тупроқда намлатгич-блокларни ўрнатиш асосида ғўзанинг суғориш режимини ишлаб чиқилди. Термез-14 навли ингичка толали ғўза навининг энг мақбул суғориш режими тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги 70-70-65% ЧДНС ва мавсумий суғориш меъёри 5740 м³/га билан суғориш схемаси 1-3-2 га мос келди.

Тоғ олди худудларининг нишаблиги 0,20 дан ортиқ бўлган майдонларда ирригацион эрозияси кенг тарқалганлигини эътиборга олиб, намликнинг катта захирасини яратиш мақсадида суғоришнинг локал усули танланди.

Локал суғориш технологиясининг асосий моҳияти, сув кам ўтказувчи механик таркиби оғир тупроқларда сувни ўсимликнинг илдиз қатламига узатишдан иборат.

Террасаларда локал суғориш технологиясини таҳлил қилиш мақсадида 4 та вариант танланди.

1-вариантда диаметри 140 мм пластмасса қувурлари тенг иккига кесилиб нов тармоғи ҳосил қилинди ва узум кўчати ёнига ўрнатилиб 2 мм диаметрли тешиклар орқали сув (0,004-0,008 л/с) махсус тайёрланган намлатгичга узатилди.


Диаметри 140 мм бўлган полиэтилен қувурлар 40 см узунликда кесилиб ён атрофи тешикли цилиндрсимон ҳолатда тайёрланиб, ичига шағал ташланди ва сув намлатгич атрофига тақсимланди.

Новли тармоқ терраса қиялиги бўйича 0,020-0,035 нишабликда ўрнатилди.

2-вариантда терраса ён томонига диаметри 120 мм босимли полиэтилен қувур 2,5 мм диаметри тешиқлар билан ўрнатилган ток кўчатлари ёнида 30-45 см чуқурликда ўрачалар ҳосил қилиниб, оқим тезлигини сўндириш мақсадида тушиш қисми шағал билан тўлдирилди.

3-вариантда ток кўчатлари ён томонига 25 см чуқурликда траншея ҳосил қилиниб, унга 35-70 мм ли плёнкадан қувур тайёрланди ва кўчат қаршисида 3 та ҳар 15-20 см масофада 1-2 мм диаметри тешиқлар орқали сув тақсимланди. 4-вариантда таққослаш мақсадида эгатлаб суғориш усули қўлланилди. Локал суғориш дала тажрибалари “Ҳиссоракгидроқурилиш”нинг тажриба даласининг механик таркибига кўра тупроғи оғир қумоқ суғориладиган ерларида ўтказилди. Тоғолди терассаларида узумни локал суғоришнинг кўзгалмас полиэтилен новлар билан суғориш бошқа вариантларга кўра конструкциясининг оддийлиги, томчилатиб суғоришга нисбатан 3-4 марта арзонлиги ҳамда тежамкор суғориш технологияси ҳисобланади. Мазкур суғориш технологиясида эгатлаб суғоришга нисбатан 41 % сув тежашга эришилди.

